



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 140 (8380).

26 июль, 1984 йил

ПАЙШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

25 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонов ва беш йиллик илгорларига биринчи даража Мехнат Шухрати ордени топирилди.

1983 йилда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгилан-

ган планлар ва олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган юксак кўрсаткичлар ва меҳнат шавкати учун Сурхондарё вилояти Гатарино районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг бригадари Х. Гафуров ва Хоразм вилояти Шовот районидаги Чкалов номи колхоз бригадари П. Маткаримов шу юксак му-

кофотлар билан тақдирланди. 160-қурилиш трести 225-ишлар бошқармасининг юксак бригадаси бошдари Я. Абдуллаевга ҳам Чирчиқ вилояти «Электротехпром» ишлаг чикариш бирлашмасида синтетик аммиак ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга туширишда эришган муваффақиятлари учун биринчи даража Мех-

нат Шухрати ордени топирилди. Мукофотланган кишилар ўз меҳнатларида берилган юксак баҳо учун астойдил миннатдорчилик назор этдилар. Янгидан-янги муваффақиятларга эришамиз, деб ватда бердилар.

И. Б. Усмонов ва мусобақа илгорларига меҳнатда, Ўзбекистон ССР билан Ўз-

бекистон Компартиясининг 60 йиллик шарафига олинган мажбуриятларни бажаришда янги муваффақиятлар тилади.

Мукофотларни топириш чоғида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва биоро аъзолари каттадидлар ҳозир бўлдилар.

(ЎЗТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг навбатдаги мажлисида халқ депутатлари Советларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва республика Олий Совети X сессиясининг қарорлари асосида чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш соҳасидаги вазифаларини муҳофаза қилди. Чайқовчиликка ва чайқовчиларнинг қўлига ҳали мустақкам ғов қўйилмаганлиги ва Совет ҳақида ҳўжалик органларининг раҳбарлари, милиция, прокуратура, суд ходимлари уларнинг жиноий фаолиятига қатъий зарба бераётганлиги таъкидлаб ўтилди. Чайқовчилар жазосиз қолтирилганда фойдаланиб, уюшган гуруҳларни тўзмокдалар, ғоят камб молларни, автомобилларнинг запас қисмларинингизна эмас, ҳар кун кўпайиб истеъмол қилинадиган буюмларни, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам бойлик тўплаш маънасига айлантириш учун иштирокда. Чайқовчилар мавзабазавот маҳсулотларини кўп миқдорда ҳарид қилиб ва олиб сотарлик билан шугулланган ҳолда нарх-навоини оширишга интилоқлар. Давлат, кооператив савдоси, автомобиль ва темир-йўл транспорти, граждан авиациясининг айрим ходимлари кўпича уларга ёрдам бермокдалар. «Таш-подошошчи» бирлашмаси ғоят қонқарсиз ишляпти. Тошкент бозорларида олиб сотарлар колхозчи, совхоз ишчиси деган номни ниқоб қилиб олиб иш кўрмокдалар. Маргилон, Наманган, Жиззах, Қарши, Урганч ва Нукусда чайқовчилар кўпайиб кетди.

Республика меҳнаткашлари ўз махтурларида, ягона сийсий кунларда айтилган ҳақлиларда осон йўл билан бойлик тўплаш ишчибозларига нисбатан қаттиқ қоралар кўришни талаб этмокдалар.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда республика халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссиялар, халқ контроли органлари олдида чайқовчиликка қарши курашни кучайтириш, уни таомилла туғатиш соҳасида конкрет вазифалар кўйилди. Район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари, давлат ва кооператив савдосини ташкил эттишни, бозорларнинг иштини қаттиқ контроль қилиб туриш таъкид этилди; маъмурий органларга ҳам тегишли топшириқлар берилди. Депутатларни, кенг меҳнаткашлар оммасини чайқовчиликка қарши курашга жалб қилиш лозим.

Президиум Тошкент шаҳар халқ депутатлари Ҳамза район Совети ижроия комитетининг фаолиятини таҳлил этиди ва унинг иш услуби ҳақида молдарига жойиди қамқилиш борлигини аниқлади. Ижроия комитет қорхона ва ташкилотларнинг планларини бажаришга, қолқиликка йўл қўйилган жойларда уни бартараф қилишга сезиларли хиссасини кўшмаётди. Кундалик практикада расмиятичилик аста-секин барҳам томокда, кишиларнинг эҳтиёж ва талаблари кўпича ўз вақтида қондирилмапти. Тошкентда энг индустриал район деб ҳисобланган Ҳамза райони ободончилик соҳасида энг орқада қолмокда, микрорайондаги уй-жойларнинг биронтиси ҳам қолмок тарзда қурилмапти. Масалалари чуқур ишлаб чиқмаслик, конкрет қоралар қабул қилмаслик, қишнинг қандай аҳолида экинчи вақтида ишга қўйилган қишлоқлик чикамаслик—ижроия комитетнинг иш услубига хос хусусиятидир. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда Ҳамза район ижроия комитетига (раис З. Т. Навоикова) ишчиллик, уюшқилик, конкрет ва оператив иш кўриш даражасини ошириш, ижроиялик интизомини мустақкамлаш, меҳнат коллективлари ва меҳнаткашлар билан алоқани кенгайтириш топширилди. Тошкент шаҳар ижроия комитетига 1985 йилда ва ўн иккинчи беш йилликда Ҳамза районининг социал тарқиётида мутаносибсизлигини бартараф қилиш таъкиф этилди.

Президиум Улуг Ватан уруши қатнашчиси А. М. Иркиннинг мансабдор кишиларнинг белворлиги ва масъулиятини саватганлигини тўғрисида аъган махтурини текшириш натижаларини кўриб чиқди. Ана шу мансабдор шахсларнинг айби билан Глаштхтенстройга қарашли 120 квартирани уй-жой биноси назоратсиз қолди, ундаги анжомлар ташиб олиб кетилган. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ижроия комитетига, Глаштхтенстройга конкрет топшириқлар берилди. Тошкент шаҳар прокуратурасига ана шундай ўта кетган хўжасизликда айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тадбирларни қўлланиш таъкиф этилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет қурилишига доир бошқа баъзи масалаларни ҳам кўриб чиқди. Бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!



● УРТА Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг ободат ташаббускор Соҳиб Қўлшошев бошчилик қилаётган 4-бригадаси пахтакорлари юбилей йилда 67 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50

центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Айни кунларда қилар пахтакор раҳбарлик қилаётган коллектин деҳқонлари гўза парварлигини уюшқилик билан олиб боришляпти. Улар далаларда мўл ва

эртаги пахта етиштириш учун экинга ўз вақтида ишлов берди, озиқлантириш, молда, сувчилар аса суғоришни асосан тунда олиб боришляпти. Суратда бригадаси етакчиси С. Қўлшошев.

А. Мальцев фотоси.

ТўЛА САҚЛАБ КОЛИДИ

ГАЛИНА Морозова «Сергели» саноат комплексининг илгор, тажрибали операторларидан ҳисобланади. Унинг бу қасбда ишлятганига 10 йилдан ошди.

Беш йиллик планини тўрт йилда бажариш ташаббуси

билан чиққан бу илгор чорвадор имкониятлардан унумли фойдаланмокда. Ҳозир унинг меҳнат календарига 1985 йил бошланди. Галина Морозова йил охиригача ўз боқимчидаги чўчаларнинг ҳар юз бошидан 1250 тядан чўча боласи олишга, уларни тўла сақлаб қолишга аҳд қилган.

А. АБДУСАМАТОВ, Ғалаба райони.

ТОШКЕНТ—ХАСКОВО

ДўСТЛАР УЧРАШУВИ

Илгари хабар қилганимиздек, Тошкентда Болгария Халқ Республикаси Хасково округи халқ Совети ижроия комитети раиси Тодор Стефанов бошчи округ делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонларимиз халқ депутатлари Тошкент ободат маҳалли Советларининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик бўйича тўплаган тажрибаларини урганмокдалар. Чирчиқда улар халқ хўжалигини планларининг бажарилишини таъминлаш бўйича шаҳар Совети фаолияти билан, Бўстонлиқ районида эса халқ депутатларининг меҳнат коллективларидан ишлари билан танишдилар.

Кеча делегация аъзолари Янгийўл районида бўлдилар. Район ижроия комитети раҳбарлари Озёқ-овқат программасини бажаришда маҳаллий Советлар олиб бораётган ишлар ҳақида гапириб бердилар. Хасковлик дўстлар У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмасида бўлдилар.

Шундан сўнг меҳмонлар Ғалаба райони бўйлаб сафар қилдилар. Сафар давомида улар «Москва», Димитров номли колхозлар ва «Огонек» совхозини меҳнаткашлари билан учрашдилар, уларнинг иш ва турмуш шароитлари билан танишдилар.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАҲДАМ ОДИМИ

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг 1984 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари чиқарилди.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида таъкидланганча, бу йил — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ишлаб чиқаришни ва унинг самардорлигини янада ошириш таъминланди. Совет кишиларининг фаровонлиги ўсди.

Саноат маҳсулотини 1983 йилнинг биринчи ярмида нисбатан 0,4 миллиард сўмлик миқдорда кўпайди. Давлат капитал маблағи асосига ишга туширилган асосий фондлар 180 миллион сўмликдан зиёд қўпайди. Ярим йил мобайнида ишчи ва хизматчилар сонини ўрта ҳисобда 4 миллион 582,8 минг кишини ташкил этди. Ёни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,7 минг киши қўпайди.

Меҳнаткашларнинг активлиги ошди. СССРнинг Меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонунига мувофиқ ишлаб чиқаришни бошқариш ва социал ривожланиш масалаларини ҳал этишда шу коллективларнинг иштироки кенгайтирилди. Бригада пудрати жорий этилмокда. Ишчилар вақтининг зое ўтиши, кадрларнинг қўлимсизлиги қамайди.

Моддий ресурсларни тежаш таъминланди. Шу билан бирга, дейилди Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида, айрим министрликлар ва идоралар қозонеч ёқилишни, иссиқлик ва электр энергиясини, айрим турдаги хом ашё ва материалларни тежаш топириқларини бажармадилар.

1984 йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалигининг ҳамма тармокларидан фан ва техника ютуқлари жорий этилди. Фан-техника программалари топириқларини амалда ошириш давом эттирилди. Халқ хўжалигида 25 мингтадан кўпроқ иxtиро ва рационализаторлик тақлифлари фойдаланилди. Шу билан бирга фан ва техникани ривожлантириш планини ҳамда фан-техника программаларининг айрим топириқларини бажарилиш қолди.

Саноатда маҳсулот реализация қилиш ярим йиллик плани 101,3 процент бажарилди. Саноат маҳсулотининг жами ҳажми 1983 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 4,4 процент кўпайди.

Истеъмол буюмлари («Б» группа маҳсулотлари) ишлаб чиқариш илдам кўпайиш таъминланди. Пиландан ташқари 80 миллион сўмликдан кўпроқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиди.

Меҳнат унумдорлиги 2,0 процент ошди. Умуман саноатда ва кўпчилик саноат министрликларидан меҳнат унумдорлиги ўртача иш ҳақидан кўра тезроқ ошди. Барча ишчиларнинг қарийб учдан икки қисми ягона наряд асосида ҳақ тўланадиган меҳнатини бригада усулида ташкил этиш формасига жалб этилди.

1984 йилнинг 1 январидан бошлаб СССР Оғир машинасозлик министрлиги билан Электрон-техника саноати министрлигининг саноат бирлашмалари ҳамда қорхоналарида планлаштириш ва хўжалик фаолиятида бирлашмалар (корхоналар)нинг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳам иш натижалари учун уларнинг масъулиятини кучайтириш юзасидан иқтисодий эксперимент ўтказилмокда.

Энг муҳим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш қулайлигига бўлиб, электр энергияси — 22,0 миллиард киловатт-соат; минерал ўғит (тўйилми) моддалари 100 процентга айлантириб ҳисобланган — 715,5 минг тонна; олтингугурт кислотаси — 1030 минг тонна; синтетик смолта ва пластмассалар — 61,0 минг тонна; химиявий тола ва иплар — 19,1 минг тонна; куч трансформаторлари — 3756 минг киловольтампер; бронеканель — 8,5 минг километр; компрессорлар — 5,6 минг дона; тракторлар — 13,0 минг дона; трактор прицеплари — 19,0 минг дона; трактор култивлаторлари — 9,8 минг дона; пахта термш машиналари — 2,5 минг дона; осма электр қураилар (шу жумладан махсуз қураилар) — 703 дона; аксаваторлар — 768 дона; кавалар — 27,2 минг тонна; йиғма темир-бетон конструкция ва буюмлар — 2,9 миллион куб метр; шифер — 215 миллион шартли тахта; иморатбон гўшт — 930 миллион дона, пахта толеси — 675,9 минг тонна, қаноп толеси — 15,5 минг тонна; ип-газлама кавалар метр; шойи газлама — 67,1 миллион кавалар метр; пайқоқлар — 25,8 миллион муфт; ички трикотаж — 17,8 миллион дона; синтетик трикотаж — 9,5 миллион дона; нарм пофазал — 17,1 миллион муфт; гўшт (саноатда ишлаб чиқарилагани) — 132 минг тонна; сарийё — 6,7 минг тонна; қаймоғи олиманган сут маҳсулотлари (сутта айлантириб ҳисобланган) — 285,7 минг тонна; ўсимлик ёғи — 231,3 минг тонна, макарон

маҳсулотлари — 37,1 минг тонна; консервалар — 127,1 миллион шартли банка; чини-фалис идишлар — 31,2 миллион дона.

Нефть ва газ қазиб чиқариш, пахта термш машиналари, тракторлар, шифер, халқ истеъмол қиладиган қўпчилик моллари шойи газлама, чарм пофазал, макарон ва қолбаса маҳсулотларини ўсимлик ёғи ва бошқа баъзи турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш планини ошириб бажарилиди.

Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан кўпайди. Дейилди Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида, бронеканель, олтингугурт кислотаси, синтетик аммиак, иморатбон гўшт, ички трикотаж, қондиртер маҳсулотлари, гўшт, мол ёғи ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топириқларни бажаришмай қолди.

Шартномавий мажбуриятлар ҳамон тўла-тўқис бажарилмапти. Мебель саноати, бинокорлик материаллари саноати, озиқ-овқат саноати министрликларининг ҳамда бошқа баъзи министрликларнинг ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда қорхоналар истеъмолчиларга тузилган шартномаларга ва яқро учун қабул этилган нарядларга мувофиқ маҳсулот етказиб беришни таъминладилар.

Бир қанча ишлаб чиқариш бирлашмалари ва қорхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, фойда олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулот таннорлигини қамайтириш юзасидан белгиланган планларини бажармадилар. Паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқардилар. Янги ишга туширилган айрим қувавлар сўст ўлаштирилди ва улардан тўла-тўқис фойдаланмадилар.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўпчилиги дала ишларини уюшқилик билан ўтказдилар. 1984 йил ҳосилига экинган майдон дастлабки маълумотларга кўра, 4,1 миллион гектарни ташкил этди, шу жумладан суғориладиган ерларда 3,3 миллион гектар бўлди.

Чорва, мол ва парранда, тухум, жуи харид этиш давлат ярим йиллик планлари, қорғаси терм, пилла харид этиш йиллик планлари ошириб бажарилиди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида қамқилиқлар ҳам бор. Бир қанча колхозлар ва совхозларда агротехника даражаси ҳамон паст, дон, сабазот, ем-хашак тайёрлаш суръати етарли эмас. Давлатга сут сотиш ярим йиллик плани бажаришмай қолди. Чорвачилик энг муҳим маҳсулотларини харид қилиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайди.

Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустақамлашиб бораверади. Ўтган ярим йилда республика қишлоқ хўжалигида 7233 трактор, 1005 галла ўриш ва силос ўриш қомбайни, 5012 трактор плуги, 5736 култиватор, 3868 трактор селласи, 2329 косилка, 1230 пресс-подборщик ва қўндан-қўн машина-ускуналар етказиб берилди. Қишлоқ хўжалиги (100 процент озуқа) моддага айлантириб ҳисобланганда 740 минг тонна минерал ўғит ва 1,4 минг тонна химиявий озуқа қўшимчалари олди.

Агротехнология комплексига, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воиталари билан таъминловчи тармокларга сарфланган капитал маблағлар 1,6 миллион сўмга яқин бўлди, шу жумладан қишлоқ хўжалигини сарфланган капитал маблағлар 1,4 миллион сўмдан ошди.

Ўрта Осиё темирйўлининг Ўзбекистон территориясида жойлашган бўлими 1984 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан юк обороти ва юк ташиниш кўпайтирди. Аммо юк обороти ва юк жуънатиш юзасидан ярим йиллик план етказиб бажарилмади. Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортини пассажир ташини ва енгил таксомоторларнинг пулли қатнови ярим йиллик планини бажарди. 1983 йилнинг биринчи ярмига нисбатан юк ташини 3,7 процент, пассажирлар ташини 7,5 процент, енгил таксомоторларнинг пулли қатнови — 7,2 процент кўпайди, юк обороти 1,8 процент, пассажир обороти 6,8 процент кўпайди. Аммо юк обороти, пассажир обороти ярим йиллик плани бажарилмади.

Хаво транспортни пассажир обороти, пассажирлар ташини, халқ хўжалиги тармокларига авиация хизматлари янги ярим йиллик планини бажарди.

Шу билан бирга айрим халқ хўжалик юкларини ташинишга, шунингдек пассажирлар ташинишга бўлган ақтибжар ҳали тўла-тўқис қондирилмапти.

Алоқа қорхоналари (почта, телеграф, телефон, радио) маҳсулот ҳажми планини бажарди ва унинг 5,2 процент ўсишига муваффақ бўлиди. Капитал қурилишда 1984 йилнинг биринчи ярмида

давлат капитал маблағлари ҳисобидан 1,7 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Янги қурилишлар, ишлаб турган қорхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника жоҳдатдан қайта қуруллатириш натижасида республикадаги Тошкент лак-бўёқ заводида алқид смолта ишлаб чиқариладиган қувавлар ишга туширилди. Бухоро ил йилириш урқилари, Бухоро ил таълама комбинатининг Ургутдаги филиали ва Тошкент тўқимачилик комбинатининг Паркентдаги филиалида тўқув станоклари ўрнатилди. Қўвада нон маҳсулотлари комбинати, шаҳар автомат телефон станциялари, шаҳарлараро алоқа кабелли линиялари, қаттиқ қоплама ли автомобиль йўллари ва ҳоказолар фойдаланишга топирилди.

Агротехнология тармокларидан қувавлар оширилди. Қишлоқ хўжалигида 17,8 минг ўрилди молхоналар ва 29 минг ўрилди паррандахоналар, 25 минг товук қондирлаган паррандачилик фабрикасини ҳамда йилда 4,15 миллион бош гўштбон парранда қондирлаган фабрикалар қурилди.

31 минг гектар суғориладиган янги ерлар фойдаланишга қабул қилинди. 102 минг гектар янги озуқа сув чиқарилиди. 34 минг гектар майдонда суғорилаб турган ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланди.

Халқ хўжалигига сарфланган давлат капитал маблағлари 2,7 миллиард сўм бўлди.

Давлат қурилиш-монтиж ташкилотлари бўйича буюртмачи қорхоналар ва объектларга топирилувчи товар қурилиш маҳсулотини 919,3 миллион сўмлик бўлди.

Шу билан бирга асосий фондлар ва бир қанча ишлаб чиқариш қувавларини ишга солиш плани бажарилмади. Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида таъкидланганча, 1984 йилнинг биринчи ярмида социал тарқиёти ва халқ фаровонлигини юксалтириш тадбирлари амалда оширилмоқда.

Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 0,7 процент ортиб ва 161,3 сўм бўлди. Колхозчилар меҳнат ҳақи 2,4 процент кўпайди.

Аҳоли иқтисодий истеъмол фондларидан ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 4 процент кўпроқ тўлат ва имтиёзлар олди.

Умумий таълим интернат-мактабларида, болалар уйлари ва бошқа интернат муассасаларида тарбияланувчиларнинг боқим-шароитлари яхшиланди. Ойла аъзосига ўртача жами даромад ойига 60 сўмдан ошмайдиган ёғиз оналар ва оналар интернат-мактабларида боқим ҳақидан овоз қилинди.

Болалари бўлган ёш оналар уй-жой шароитларини яхшилаб олиш ёни уй хўжалиги ашёларини харид этишга процентсиз қара берилмокда.

Республика меҳнаткашлари омонат қассаларга қўйган жағғармаларини ярим йил ичида 172,4 миллион сўм оширилди.

Давлат ва кооператив савдосидан қалана товар обороти 6,6 миллиард сўм бўлди ва ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 6,3 процент кўпайди.

Аҳолига манлий хизмат ҳажми 11,6 процент кўпайди. Шу билан бирга умуман республикада, шунингдек қишлоқ жойларда ярим йиллик план бажарилмади.

Республика меҳнаткашлари давлат жамоати ва кооператив қорхоналари ва ташкилотлари, шу жумладан, уй-жой қурилиш кооперативлари ва колхозларнинг маблағлари ҳисобидан қурилган жами саҳни 1,6 миллион квадрат метр ёни 1983 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 46 минг квадрат метр кўп — 24 мингта янги шинам квартиралар олдилар.

Республиканинг умумий таълим мактабларида 4305,7 минг киши, ҳунар-техника билим юртларида 271 минг (шу жумладан ўрта билим юртларида — 201,3 минг) киши, махсуз ўрта ўқув юртларида 261,7 минг киши, олий ўқув юртларида 287,8 минг киши ўқиди. Шу йил 376 минг йилит ва қиз ўрта маълумот олди, шулардан 60 мингдан кўп киши ўрта ўқув юртини нислаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда битирди.

Халқ хўжалигига 125 минг мутахассис, шу жумладан олий маълумотли 48,5 минг киши ва махсуз ўрта маълумотли 76,5 минг киши юборилди.

КПССР Марказий Комитети 1984 йил апрель йомети ва СССР Олий Совети маълумотларини умумий таълим ва ҳунар мактаблари, ислоҳ қилиш асосий йўналишлари ўқув юртларида ёшларни ўқитиш системасини планли равишда тақомиллаштириб бориш тадбирлари амалда оширилмоқда.

1984 йилнинг 1 июлида Ўзбекистон ССР аҳолисининг сови 17,8 миллион киши бўлди.

(ЎЗТАГ).

МЕХАНИЗАТОР МИНБАРИ МЎЛ ҲОСИЛДАН ДАЛОЛАТ

ЕЗ ЧИЛАСИ ҳам ўтиб бормокда. Ҳароратли кунларнинг қадрига етган деҳқонларнинг шу кунгача қилган меҳнатлари натижалари кўзга ташланиб қолди. Жумладан, бригаданидаги маъжуд 84 гектар пахта майдонидан ҳам мўл ҳосил тўпланмокда. Ҳар туп гўзада

ГАЗЕТА ЎЗ
ҚИЁФАСИГА ЭГА БЎЛСИН

М. ШАРИПОВА



КИНОМУХЛИСЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТДА «ЎЗБЕКИСТОН КИНО САНЪАТИ» МУЗЕИ ОЧИЛДИ

Республикамизнинг 60 йиллик тўй арафасида Тошкентда яна бир маданий марказ — Ўзбекистон киносанъати музейи очилди. Музей заллари сермазун экспозиция билан жиҳозланган. Бу санъат даргоҳида ўзбек киноси босиб ўтган даврлар алоҳида-алоҳида бўлимларга жамланган.

Дохий В. И. Лениннинг «Барча санъатлар ичида биз учун энг муҳими кинодир» деган сўзлари билан бошланган музей экспонатлари ўзбек киносининг тугилиши, унинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги фаолияти ҳамда ҳозирги ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади. Шу ернинг ўзига халқаро Тошкент кинофестиваллари воқеаларига бағишланган ҳужжатлар, фотосуратлар ўрин олган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнгги

йилларда дунёга келган ўзбек киноси ҳақида ҳикоя қилувчи залда биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девонов, актёрлар Асад Исмаилов, Обид Жалилов, Анатолий Рейдман, Лутфи-хоним Саримсоқовларнинг ижодига оид қизиқарли ҳужжатлар, лавҳалар эътиборини ўзига тортади.

«Навқирон ўзбек киноси» залда эса янги жамият қурувчисининг қаҳрамониона меҳнати тараннум этувчи фильмлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу кўргазмада Ко-

мил Ерматовнинг «Сўнгги бек», Сулаймон Хўнаевнинг «Тоғ олдидан», Наби Ганиевнинг «Пигит» каби инқилобий фильмлари ва бир қанча хроникал киноленталар ҳақида ҳикоя қилувчи экспозициялар мавжуд. Бу стендларда томошабинлар кино заҳматқашларидан Ёлдош Аъзамов, Малик Қайумов, Раҳим Пирмухамедовларнинг ижодлари билан ҳам танишади.

Музейнинг ҳозирги замон ўзбек киноси ҳақида ҳикоя қилувчи залларида «Узоқ ва яқин йиллар», «Осиё устида бўрон», «Ленин йўллари маси билан», «Улуғбек юлдузи», ҳинд кинорежиссёри У. Меога билан ҳамкорликда яратилган «Алибобо ва қирқ қароқчи», «Оловли

йўллар», «Ўтган кунлар» картиналарига кенг ўрин берилган. Стендларни кўздан кечиран эҳсансиз Шуккур Бурхонов, Соиб Хўжаев, Гани Аъзамов, Бахтиёр Ихтиёров, Ўлмас Алихўжаев каби санъаткорлар яратган образлар намойиш бўлади.

Республикамиз киночиларининг халқро кинофорумларда қўлга киритган мукофотлари, дипломлари музейнинг катта бойлиги ҳисобланади.

Музейга марҳамат! Э. ҚОДИРОВ, музей директори.

Суратда: музей залида. В. Портнов фотоси.



РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

СЕМАШКО ПОРТРЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН кинорежиссура ва фото-терания илмий-техник институтида болалар санаторийсин яқин орада нига тушади.

Кичикинтойлар учун бунёд этилаётган мазкур комплекс ўзига ҳо йирик медицина марказига айланади. Бу ерга кираверишда «Хар доим бўлсин кўш» деб номланган катта монументал композиция яққол кўга ташланиб туради. Унинг ёнида эса машҳур шифокор қиёфаси ўз аксини топади. Бу тасвир мамлакатимизнинг биринчи солиқчи сақлаш халқ комиссари Николой Александрович Семашко портретидир.

А. АЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ОРОМБАХШ МАСКАН

«СЎҚОҚ» дам олиш уйи тоғ ён бағрига жойлашган. Бу ерда оқаётган бўлоқ ва чашмаларнинг андоз суварли кишига ҳузур бахш этади.

Табиатнинг бу сўлим масканда ҳар йили минглаб кишилар дам олишади. Корпуслар, коттежлар тоза ва шинам. Овқатлар лаззатли ва хилма хил. Даврон Тешабоев дам олувчилар вақтини кўнглини ўтказишлари таъминлайди, концертлар, экскурсиялар ташкил этади.

Х. МУХАММАДИЕВ, ўқитувчи.

ГҲШТ ҲУНИГА СУЯК ЛУКМА

БИЗНИ Киров райпешчорига қарашли 48-магазинга бир-кетин қўйишган. Ҳар ҳафтада шу ердан гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари олиб турамош.

Лекин қиринда шу ердан олган гўшт мен аяблан-тириб. Халтачаларга жойлашган, бизга юборилган гўштининг қўпчилиги қисми суякдан иборат эди. Икки килограмм деб этиклетка ёпиштирилган гўштининг 800—900 грамм суяк бўлиб чиқди. Қизиқ, гўштин халтачаларга жойлайдиган ўроқлар нега бундай қилишди? Ёки сўйилган молнинг гўштига нисбатан суяги кўпроқ бўладики? Биз Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва меҳнат ветеранлари белгиланган норма бўйича икки килограмм гўштининг қанчаси суяк бўлишини мутасадди ташкилотлар газета орқали айтиб беришларини илтимос қиламиз.

А. НАВИХУЖАЕВ, пенсионер.

МУКОФОТ ПУЛИ—ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Оржоникидзе районида Шамшод Айдаровани қўпчилиги ахши билади. У йигирма йилдан кўпроқ вақтдан бери район матбуот журналига қарашли китоб мағазини сотувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг бу соҳадаги меҳнати кўп марта тақдирланган. Сотувчи социалистик муСОБАқа галиби ишони билан ҳам мукофотланган. Ўтган йилги иш натижаларига кўра эса унинг мукофоти лауреати бўлди.

Шамшод Айдарова беш боланинг онасидир. Лауреатлик учун берилган беш юз сўм пул оилада ортиқчалик қилмасди. Лекин Ш. Айдарова ҳар кун телевидение кўрсатувлари орқали ҳали қарор бошқа мамлакатларда кишилар муСОқилик ва овозлик учун қўн тўкаётганликлар, империалистлар ҳақон шаҳар ва қишлоқларнинг бомбардимон қилаётганликлар, вайроналарда эса оч, касалманд, етим болалар қўн тўкаётганликларни кўра экан, юраги уншиб кетарди. Шунинг учун Шамшод Айдарова область мукофоти лауреатлиги учун

берилган 500 сўм пулни совет тинчлик фондида ўтказди.

Областимизда ўз жамғармалари билан тинчлигини мустақамлаш ишига шахсий ҳиссаларини қўшаётганлар сонига тобора кўпайиб бормоқда.

Собир Юнусович Исоев ҳам ана шундай тинчлик тарафдорларидан биридир. У пенсия ёшига тўлган бўлса ҳам «Ўзбекгазмаш» ишлаб чиқариш бирламисиде меҳнат қилади. Собир ана уруш дахияларини ўз кўзи билан кўрган. Ҳозир беш фарзандни тарбияляпти. У куч-гайрати бор экан фидокорона меҳнати билан Ватанимиз иқтисодий ва мадфоба кўдратини мустақамлашга аҳд қилган. Шунинг учун 1984 йил мобайида оладиган пенсия пулининг ярминини тинчлик фондида ўтказиш истагини билдирди.

Тошкентдаги «Қизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирламисининг ҳайдовчи уруш қийинчиликларини бошидан кечирган. У ер юзиде ҳаминча тинчлик

бўлишини истайдиган ҳар бир киши тинчлигини сақлаш ва мустақамлаш учун куралишини зарур, деб ҳисоблайди. Д. Багиев меҳнат оспаси пулини тинчлигини мустақамлаш ишига сарфлашга қарор қилди.

Тошкент автомобил йўллар институтининг биринчи курс студенти Алишер Мирқоқлов ўзининг бир ойлик стипендияси — 35 сўм пулни тинчлик фондида ўтказди. Студентнинг бувиеси Кўмри Ҳақназарова неварасининг бу ҳимматини эшитиб, ўзи ҳам пенсиясидан 85 сўм пулни бу оқибатоб мақсад йўлида ишлатиш учун берди.

Ироқлардан улкан дарёлар ҳосил бўлганидек, областимиз тинчлик тарафдорларининг жамғармаларини тўқайли совет тинчлик фонди қўнайиб боришти. Бу эса бутун ер юзиде тинчлигини мустақамлаш ишига қўшилётган ҳиссадир.

К. РОГАЧЕВ, совет тинчлик фонди Тошкент область бўлимининг масъул секретари.

ИЖОДИЙ МАҲОРАТНИ ОШИРАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ БЎЛИМИДА

БЕКОВОД РАЙОНИ ВА БЕКОВОД ШАҲРИ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ ЗОНАЛАРАВО СЕМИНАРИДАН

ЕШ ШОИР Малик Эгамов шеърини оламга ўз овози, ўз услуби билан кириб келётган қаламқашлардан. Унинг ижодида ҳо фазилатлар ҳаёт ҳодисалари ҳақида теран фикрлашда, қаҳрамон характери, ўй-кечималарини факуллода деталар орқали очинида ва уларни сўз орқали самимийлик, айна чорда шиддат билан барилда айти олишида ифодасини топади.

Ўзбекистон ССР Езувчилар союзининг Тошкент области бўлими томонидан ўтказилган Бекобод шаҳри ва Бекобод райони иш ижодкорларининг зоналараво семинарида умидли қаламқаш М. Эгамовнинг ижоди ҳақида шулар Раззоқ Абдурашидов, ёзувчи Жонрид Абдуллоҳов, аштрофиди фикир юритдилар. Шоирлардан Назармат Шуккур Кўрбон ва ёзувчи Анавар Эшонновлар эса Ашуралли Боймуродов, Каримжон Мавлонов, Файзулла Зиедудлиев, Расулжон Юнусалиев, Ҳасан Отақулов, Шарофат Каримжоновна сингари қаламқашларнинг қўлема асарларини муҳокама қилдилар. Уларнинг изланишларидаги муайян ютуқларини қайд этиш билан бирга намчилик ва нуқсонларини рўй-рост кўрсатиб ўтдилар. Уларга мавзу танлаш бадий деталларни

шеър руҳига сингдириш, сўзлардан ўз ўрнида фойдаланиш юзасидан қимматли йўл-ўйриқлар кўрсатдилар. Айниқса, кеска шоирлардан Содирий, Мирзатўл Мўминзоданинг газаллари ҳусусидеги муҳокама қизгин ижодий баҳсга айланиб кетди.

Бекободда рус тилида ижод қилувчи қаламқашлар анчагина. Шу кун Ш. Поляков, А. Дегтярев ва В. Тихоненковларнинг металлургия ҳаётини акс эттирувчи ҳикоя ҳамда шеър тўпламлари ҳам муҳокамага қўйилди. Ёзувчи ва драматург Исфандиёр ҳамда Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи ҳодими Э. Забегалар бу тўпламларни нашруга тайёрлашдан олдин яна бир қарра таҳрир қилиш лозимлигини ўқитдилар.

Семинар «Ленинград» совхози далаларида давом этди. Семинарда район партия комитетининг биринчи секретари Э. Ҳатамов ҳам иштирок этиб, илк ижодини Бекобода бошлаган Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати Муҳаммад Али ҳам қаламқашлар номини фахр билан тигла олди. Уларнинг 80 минг тоналик «оқ олтин» хирмони яратиш йўлида курашаётган Бекобод райони

меҳнатқашлари билан ижодий ҳамда дўстона, алоқалари ҳақида сўзлади. Биз Ўзбекистон ССР Езувчилар Союзининг области бўлими ташаббуси билан бундан олдин турли районларда зоналараво ўтказилган семинарлар ҳақида айтишан эдик, — деди у сўзининг охирида, — мана бугун эса бундай учрашувлар ёш қаламқашлар ҳаётида катта воқеа бўлишининг яна бир бор гувоҳи бўлиб турибмиз. Биз бундан кейин ҳам адабиётимизнинг тез-тез раёонимизга ташриф буюриб туришларини истардим. Шундан сўнг ўтказилган мушоирада она-Ватан, тинчлик, меҳнат ва бахтин тараннум этувчи шеърлар ўқилди.

А. ҲАЙДАРОВ.

БИЛДИРИШ
Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи Тошкент области бўлими маълум қиладики, Оққўрғон ва Галаба районлари ижодкорларининг зоналараво семинари шу йил 28 июль кунини соат 11.00 да Оққўрғон районининг «Оққўрғон» совхозиде ўтказилади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
193-УРТА-ХУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУНИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радиоаппаратура ва приборларни монтаж қилувчилар, радиоаппаратураларни йиғувчи-слесарь, токарь-револьверчи, фрезерчи, слесарь-асбобсоз, механика-йиғув ишлари слесари.

8-синфни тамомлаганлар учун ўқш муддати 3 йил. Билим юртида ўқувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар кўнунга ўн маҳал бепул оқат ҳамда кийим-беш билан таъминланадилар. 10-синфни тамомлаганлар ва Совет Армияси сафидан қайтганлар учун ўқш муддати 10 ой, 20 сўм стипендия берилди. Ишлаб чиқариш практикисини ўтиш даврида иш ҳақининг 50 проценти берилди.

Билим юртида ўқшган муддат узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Ўқш 1 сентябрдан бошланади.
Ўқш ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганларга радиоэлектроника ва автоматика техникумларига имтиҳонсиз кириш учун йўллама ёки олий ўқув юртига йўллама берилди.

1984—85 ўқув йилидан бошлаб турли спорт секциялари ва бадий ҳаваскорлик тўғараклари ташкил этилади. Чимён районида дам олиш зонаси, пионер лагери, медицина-санитария қисми, профилакторийлар ташкил этилади.

Билим юртига кирувчилар қўнундаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржиман ҳоли, характеристика, тутилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, медицина справкиси (286-форма), 6 дона фотосурат, ота-онанинги иш жойидан справка.

Билим юрти адреси: Чимонзор район, 20-қават. Пограничная кўчаси (6, 11, 19-троллейбусларининг охириги бекети); 50, 78, 94-автобусларининг «20-қават» бекати).

Ш. Р. РАШИДОВ НОМИДАГИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМПАНИАТИ
85-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—85 ўқув йили учун
ЎҚУВЧИЛАР, ЙИҒУВЧИЛАР, ИШ ҲУСУСЛАРИ, ХОМ ИЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТЎҒАРИДА
8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАРНИ
ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқшга қабул қилинганлар ойига 70 сўм миқдорда стипендия билан таъминланадилар, шунингдек ишлаб чиқариш практикисини даврида иш ҳақининг 50 процетини оладилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқш муддати — 1 йил ва 3 йил.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларининг кечки ва сиртиги бўлимларига ўқшга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юрти қошида профабторий мавжуд, бичиш ва тикиш, тўқувчилик курслари ишлаб турибди. «Текстиль» чик» спорт комплекси ва тўқимачилар Маданият саройи эшикларини очиб қўйилган.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ўқшга кириш учун қўнундаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: директор номига ариза, тутилганлиги тўғрисида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти тўғрисида гувоҳнома (ёки аттестат), соғлиги тўғрисида справка (286-форма), турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 80-автобусларининг «Билим юрти» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
57-УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984—85 ўқув йили учун
ҚУНИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металларга совуқ ҳолда кесиб ишлов бериш бўйича токарь-универсал, программа билан бошқариладиган станокларнинг фрезерчи-оператори, санават ускуналари ремонтчи бўйича слесарь-механик, санават ускуналари ремонтчи ва эксплуатацияси бўйича электрик, электр газ-найванди, кабел ишлаб чиқариш бўйича электромонтер, дурадгор (бадий) мебель ишлаб чиқариш бўйича), санават совуқлиги қурилмаларига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича машинист, куланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электр монтажчи.

Ўқш муддати—1 йил ва 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синфни битириб ўқшга кирганлар 3 йил ўқшчилар ва тўқш ўрта маълумот ҳамда касб эгаллаганликларини тўғш ўрта маълумот ҳамда касб эгаллаганликларини тўғш ўрта маълумот оладилар. Ўқувчилар ҳар кун 3 маҳал иссиқ оқат ва кийим-беш билан таъминланадилар. Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилди.

Ўқш маълумот билан куланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи ихтисос бўйича ўқшга кирганлар ҳар ойда 78 сўм ҳамда стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикисини даврида топан меҳнат ҳақларининг 50 процетини оладилар.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматини ўтаб қайтган йигитлар учун металлари совуқ ҳолда кесиб ишлов бериш бўйича токарь-универсал, фрезерчи (программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари), куланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи ихтисос бўйича ўқш муддати қисқартирилган (ўрта маълумотлилар 7,5 ой, 8-синф ҳамда маълумотлилар 10,5 ой ўқшдилар).

Уларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилди.

Ўқш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар қорхоналарда мажбурий хизматини ўтамасдан ўқшнинг давом эттириш учун ўрта ва олий ўқув юртларига йўллама билан юбориладилар.

Билим юрти яхши спорт базасига эга. Билим юртида техника инжодкорлиги тўғарти. «Смена» вокал-чолгу ансамбли ва «Росенки» диско клуб ишлайди. Ёзда дам олиш базиси мавжуд.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТАБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қўнундаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, автобиография, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкиси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт).

Ҳарбий бўйбатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билб шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар ҳар кун (ишанбадан ташқари) соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700164, Тошкент шаҳри, Високоньский массиви, 3-сектор («М. Горький станцияси» дан 4-автобусда «7-полкилик» бекатига, 6, 13, 22-трамвайлар ва 18-троллейбусда «Маниш хизмат кўрсатиш уйи» бекатига).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қўнундаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: автослесарь, минорали кран машинисти, экскаватор машинисти, бульдозерчи, дурадгор, бўёқчи, слесарь-сантехник, қўлда пайвандловчи электр пайвандчи, йўл — қурилиш машиналари бўйича электрслесарь.

Ўқш муддати — 1 — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қабул қилинганлар тўқшсиз давлат таъминотида бўладилар ёки 30 сўмдан стипендия (минорали кран ва экскаватор машинисти 75 сўм) ҳамда ишлаб чиқариш практикисини даврида маошининг 50 проценти билан таъминланадилар.

Ўқш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Ўқш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларидеда ўқш учун йўллама берилди.

Билим юртида қоронда қайд қилинган касблар бўйича 6 ойлик қисқа тайёрлов курслари очилган.

Билим юрти қошида вокал-чолгу ва халқ-чолгу ансамбли, фото ва расмлик тўғараклари, турли спорт секциялари мунтазам ишлаб туради.

Билим юртига кириш учун қўнундаги ҳужжатлар топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт (гувоҳнома), маълумоти ҳақида шаҳодатнома, турар жойидан справка, ота-онанинги ишхонасидан справка, 286-формадаги медицина справкиси, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Ҳужжатлар ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қўнундаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Луначарский массиви, 69-уй (1, 2, 4, 17, 24, 102-автобусларининг «М. Горький» метро станцияси бекати); 17, 18-троллейбуслар, 13, 22-трамвайларининг «Партия мактаби» бекати).

ҚУРИЛАТГАН ЯНГИ АНГРЕН ГРЭСИДА ИШЛАШ УЧУН

электромонтерлар, электр пайвандловчилар; қозонхона ва турбина бўлими машинистларининг ёрдамчилари, кул-ишак системаси назоратчилари, несикчи узатиш мотористлари, ёнгили тушириш ускуналарининг машинистлари, химиявий-сув ёрдамида тозалаш аппаратчилари, кул-ишак системаси ремонтчи бўйича слесарлар, несикчи узатиш системаси ремонтчи бўйича слесарлар, қозонхона ва турбина ускуналари ремонтчи бўйича слесарлар, станок ускуналари ремонтчи бўйича слесарлар, 5—6 разряддаги дипломли газ-электр пайвандчилар

К Е Р А К

Корхонага қабул қилинган ҳодимлар қабул қилинган мутахассислиги бўйича Ўзбекистон ССР Энергетика министрининг Янги Ангрен филиали қошидаги ўқув комбинатида тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишлари мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш — штат бўйичаги мувофиқ, ойлик маоши 15 процетини миқдорда белгиланган район коэффциентини тўланади, энергоблок ишга туширилган, ГРЭС ҳодимларига маошининг 60 проценти миқдорда мукофот тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент области («Тошкент — Ангрен» автобусининг «Нуробод» посёлкиси» бекати). Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар, оилаларига 1,5—2 йил давомида уй-йўли берилди.

1974 ЙИЛГАЧА ЧЕХОСЛОВАКИЯДА ЧИҚАРИЛГАН МОТОЦИКЛЛАРИНИ ЭЪЛАРИ

ДИҚКАТИГА!

РСФСР Савдо Министрлигининг

МОСКВА «РОСПОСИЛТОРГ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БАЗАСИДА

360-00 МОДЕЛИДАГИ «ЯВА-350» МОТОЦИКЛАРИ УЧУН ДВИГАТЕЛЛАР БОРЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ. Двигателининг баҳоси — 320 сўм.

Двигателлар унинг нархи ва йўл ҳақи олдиндан тўлаб қўйилганидан сўнг темир йўл орқали